

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА НАЗОРАТСИЗЛИК ВА
ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА
ОШИРУВЧИ ОРГАНЛАР ҲАМДА МУАССАСАЛАР ФАОЛИЯТИНИ
ПРОКУРОР ТОМОНИДАН МУВОФИҚЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ.**

Эшмуродов Аббос Илёсович
*Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси
мустақил изланувчиси*

**MAQOLA
MALUMOTI**

ANNOTATSIYA:

MAQOLA TARIXI:

Received: 05.11.2025

Revised: 06.11.2025

Accepted: 07.11.2025

KALIT SO'ZLAR:

*вояга етмаганлар,
назоратсизлик,
хуқуқбузарлик,
давлат органлари,
давлат
муассасалари, ички
ишлар органлари.*

*Ушбу мақолада вояга етмаганлар ўртасида
назорат-сизлик ва хуқуқбузарликларнинг
профилактикасини амалга оширувчи органлар
ҳамда муассасалар фаолиятини прокурор
томонидан мувофиқ-лаштириш муаммолари
тўғрисида фикр-мулоҳазалар келтирилган.*

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси - жамият хавфсизлиги ва барқарор ривожланиши учун муҳим ижтимоий вазифалардан бири ҳисобланади.

Бу соҳада бир қатор давлат органлари ва муассасалар фаолият юритади.

Маълумки, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқ-бузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимида болалар масалалари бўйича комиссиялар, ички

ишлар, ёшлар ишлари билан шуғулланувчи ва таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари, васийлик ва ҳомийлик органлари, соғлиқни сақлашни органлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари киради.

Мазкур органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, яъни уларнинг ҳаракатларини бир йўналишда ва мувофиқ равишда ташкил этиш вазифаси, асосан прокуратура органлари зиммасига юклатилган.

Бироқ амалиётда ушбу вазифани самарали ва тизимли амалга оширишда қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳуқуқий, ташкилий ва институционал жиҳатлари таҳлил қилиниши лозим.

Мувофиқлаштириш функциясининг ҳуқуқий жиҳатдан умумий белгиланиши прокуратура органларига вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини мувофиқлаштириш вазифаси юкла-тилган бўлса-да, ушбу функция қонунчиликда умумий ифодада акс этган. Бу эса амалиётда аниқ масъулият доираларини белгилашда мураккабликларга олиб келади. Қайси орган қандай йўналишда фаолият юритиши кераклиги ёки қайси ҳолатда прокурор аралашуви зарурлиги ҳар доим ҳам аниқ эмас⁷⁶.

Идоралар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарасизлиги вояга етмаганлар билан ишлашда иштирок этувчи турли идора ва ташкилотлар кўп ҳолларда ўз фаолиятини мустақил равишда амалга оширади. Бу ташкилотлар ўртасида ишларни мувофиқлаштирувчи марказий механизмнинг етарли даражада шаклланмаганлиги уларнинг ҳамкорлигини камайтиради, натижада профилактика чоралари сифатсиз ва тизимсиз ҳолда амалга оширилади.

Масъулиятлар ва ваколатлар чегарасининг ноаниқлиги айрим ҳолатларда турли идоралар ўртасида профилактика фаолияти доирасидаги вазифалар устма-уст тушиши ёки, аксинча, муайян йўналишлар бўйича вакуум ҳолати вужудга келиши мумкин. Бу эса муайян профилактик чораларни амалга оширишда кечикиш, масъулиятни бир-бирига юклаши, ҳамда назоратсизлик ҳолатларининг кучайишига сабаб бўлади.

Ахборот ва ҳисобот тизимининг интеграциялашмаганлиги профилактика фаолиятини амалга ошираётган идоралар ўртасида ягона ахборот тизими мавжуд

⁷⁶ Ахмедов А.Х. – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда давлат органларининг ҳамкорлиги, Тошкент, 2018.

эмас. Ҳар бир орган алоҳида маълумот тўплаб, алоҳида ҳисобот тайёрлайди. Бундай ҳолатда прокуратура томонидан умумий таҳлил олиб бориш ва тўлиқ манзарани баҳолаш имконияти чекланган бўлади.

Профилактика ишлари ўта нозик ва мураккаб йўналиш ҳисобланганлиги сабабли, махсус тайёргарликка эга кадрларга талабни кучайтириб боришига олиб келмоқда.

Қайд этиш керак, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича Вакили томонидан ўтказилган мониторинг натижалари⁷⁷ бўйича ҳам ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг фарзанд тарбиясига эътиборсизлиги вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш самара-дорлигига салбий таъсир кўрсатаётган асосий омиллардан бири сифатида тилга олинган.

Шу сабабли, вояга етмаганлар билан ишлашда ҳуқуқий билимлар билан бирга, психология, педагогика ва ижтимоий муносабатлар соҳаларида ҳам компетенция талаб этилади. Амалиётда эса бундай соҳавий тайёргарликка эга ходимлар етарли эмас, бу эса профилактика чораларининг таъсирчанлигини пасайтиради.

Бу жараёнда прокурорлар ташаббус кўрсатиши керак бўлган вазиятларда кўпинча фақат формал назорат билан чекланилади. Яъни, профилактика жараёнида реал ҳамкорлик ўрнига кўпроқ ҳисоботларга асосланган ёндашув устуворлик касб этади.

Профилактика жараёнидаги бюрократик ёндашув кўп ҳолларда профилактика тадбирлари фақат режали ҳисоботларни бажариш мақсадида амалга оширилади. Чуқур таҳлил ва аниқ мақсадли ёндашув етишмайди. Бу эса профилактика фаолиятининг натижавийлигини пасайтиради ва вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар камайишига амалий таъсир кўрсатмайди.

Амалиётда вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлиги профилактикасига масъул тузилмалар ўртасида ахборот алмашинуви тўғри йўлга қўйилмаганлиги ҳам соҳада самарали назорат ва ҳамкорлик тизимига ўзининг таъсирини кўрсатади.

Давлат органлари қаторида республикамызда вояга етмаганлар назоратсизлиги ва профилактикаси соҳасида энг кўп вазифалар юклатилган, қаровсиз қолган вояга етмаганларга кенг турдаги хизматлар кўрсатувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ички ишлар органи ҳисобланади. Бунда прокурорлар ички ишлар органининг масъул

⁷⁷ Исламов Ж. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш самарадорлигини ошириш. <https://ombudsman.uz/uz/docs/voyaga-yetmaganlarning-huquq-va-erkinliklarini-taminlash-samaradorligini-oshirish>

ходимлари томонидан қаровсиз қолган болаларни аниқлаш, улар билан ижтимоий-педагогик реабилитация тадбирларини ташкил этиш ҳолатини ҳам назорат қилади⁷⁸.

Соҳани тадқиқ этган рус олимлари Т.Н.Михайлова, Е.В.Михайловларга кўра, оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг болалар тарбияси билан боғлиқ оила қонунчилигида белгиланган мажбуриятларини лозим даражада бажармаслиги вояга етмаганлар томонидан турли ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлаётганлигини⁷⁹, Н.И.Глазкова эса прокуратура болаларнинг ўз ҳаёт йўлларини тўғри изга туширишларида профилактика тизими ташкилотларига кўмаклашувчи тузилма⁸⁰ эканлигини таъкидлайди.

Бизнинг фикримизча ҳам прокуратура нафақат вояга етмаганлар ўртасидаги назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларни профилактикаси устидан назоратни амалга оширади, балки бевосита ушбу ҳолатларни олдини олишда иштирок этади ва кўмаклашади.

Ўз навбатида прокуратура органлари ҳам профилактика тизими муассалалари билан ҳамкорлик шакллари тақомиллаштириши, шунингдек соҳага масъул идоралараро ишчи гуруҳлари имкониятларидан самарали фойдаланиши керак.

Бу борада ички ишлар органлари алоҳида ўринга эга.

Хусусан, амалдаги қонунчиликка мувофиқ вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш ички ишлар органларининг муҳим мажбуриятларидан бири сифатида тўғридан тўғри назарда тутилган⁸¹.

Прокурорлар вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги профилактикасига масъул бўлган ички ишлар органларининг тегишли бўлинмалари фаолиятини ўрганишда вояга

⁷⁸ “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 2017 йил 11 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 139-сон буйруғи

⁷⁹ Михайлова Т.Н., Михайлов Е.В. Прокурорский надзор за исполнением законодательства о профилактике безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних // Вестник Восточно-Сибирского института МВД России. 2021. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/prokurorskiy-nadzor-za-ispolneniem-zakonodatelstva-o-profilaktike-beznadzornosti-i-pravonarusheniy-nesovershennoletnih>

⁸⁰ Глазкова, Н. И. Прокурорский надзор за исполнением законов о профилактике безнадзорности, правонарушений и преступности несовершеннолетних / Н. И. Глазкова // Пенитенциарная система и общество: опыт взаимодействия : сборник материалов IV Международной научно-практической конференции, Пермь, 04–06 апреля 2017 года. – Пермь: Пермский институт Федеральной службы исполнения наказаний, 2017. – С. 355–358. – EDN KUOJEI. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=38171016>

⁸¹ “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 16.09.2016 йилдаги ЎРҚ-407-сон. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 438-модда; 28.10.2022 й., 03/22/797/0967-сон). <https://lex.uz/docs/3027843>

етмаган ҳуқуқбузарлар, уларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналар ҳисобини юритишнинг қонунийлиги, улар билан яқка тартибда суҳбат олиб бориш тиизимлиги ва давомийлигини ўрганиш, бажарилган ишларнинг расмий ҳужжатларда акс этиши асослиги (уларнинг ҳақиқатга мослиги, сохталаштириш ҳолатларининг мавжудлиги), мазкур шахсларни ҳисобдан чиқаришнинг қонунийлигини ўрганишга алоҳида эътибор беришлари керак.

Жумладан, А.В.Абреимова прокурор ўз текшируви давомида, айниқса, ота-оналар (қонуний вакиллар) ва вояга етмаганларни ички ишлар бўлинмаларидан асоссиз равишда ҳисобдан чиқариш ҳолатларини алоҳида таҳлил қилиши зарурлигини таъкидлайди⁸².

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда суниий равишда ҳисоботларни яхшилаш ёки яшириш, шунингдек вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳар қандай қонунбузилиши ҳолатларига прокурорлар тезкорлик билан муносабат билдиришлари зарур.

Прокуратура органларининг назорат предметиға тўхтатлар экан, Б.Ю.Тхакумачев вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва уларнинг назоратсизлигига масъул ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан чиқарилаётган ҳужжатлар ва уларнинг хатти-ҳаракатларининг қонунга мувофилигини прокурор назорати предмети сифатида эътироф этган⁸³.

Бизнинг фикримизча ҳам Конституцияга ва вояга етмаганларга оид қонунларга масъул вазирлик ва идорлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари томонидан рия қилиниши, улар томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига даҳл қилувчи ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга мувофиқлиги прокурор назоратининг предмети саналади.

⁸² Абреимова, А. В. Организация и проведение прокурорских проверок за исполнением органами внутренних дел законодательства о профилактике безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних / А. В. Абреимова // Современные тенденции развития юриспруденции, экономики и управления : сборник материалов межрегиональной научной конференции, Елец, 18 апреля 2019 года. – Елец: Елецкий государственный университет им. И.А. Бунина, 2019. – С. 171-174. – EDN NOIXKM. <https://elibrary.ru/item.asp?id=41291924>

⁸³ Тхакумачев Б.Ю. Предмет прокурорского надзора за исполнением законов о несовершеннолетних органами внутренних дел // Вестник МПА ВПА (сборник научных трудов). Вып.3. Правовое и экономическое обеспечение цифровизации профессионального образования: проблемы и решения. Тула., МПА ВПА. -2023.- 255 с.<http://mpavpa.ru/files/IUSSE-3.pdf#page=92>

Прокуратура профилактика тизими муассалалари билан ҳамкорлик шаклларини такомиллаштириши, шунингдек соҳага масъул идоралараро ишчи гуруҳлар имкониятларидан самарали фойдаланиши керак.

Ички ишлар органлари фаолияти устидан прокурор назоратининг самарадорлигини таҳлил қилган Е.О.Тузельбаев ва А.Б.Байбулатовлар ички ишлар органлари томондан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиниши устидан прокурор назоратининг мавжудлиги уларнинг вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича фаолиятига ижобий таъсир кўрстади⁸⁴ деб таъкидлаб ўтган.

Ёки, С.С.Крутских эса соҳадаги прокурор назоратини ўтказишдаги қийинчиликларни таҳлил қилар экан, текширувни нимадан бошлаш, уни қандай ташкил этиш, қайси ҳужжатларга эътибор қаратиш кераклиги, қонунбузилиш ҳолатларига қандай муносабат билдириш, текширувларга кимларни жалб этиш ва кимлар билан ҳамкорлик қилиш ходимлар учун бир қатор қийинчиликларни туғдиришини таъкидлаган⁸⁵.

Бизнингча, айти масалада прокурор назоратининг самарадорлиги тегишли ички ишлар бўлинмалари ходимлари томонидан вояга етмаганлар, уларнинг ота-оналарига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги иш материаллари ўрнатилган талаблар асосида ва муддатда тайёрланганлиги ва уларни ваколатли органларга юборганлиги қонунийлигини ўрганишда ҳам кўринади.

Бирок, А.А.Беженцовнинг фикрича, прокурорларнинг бутун ички ишлар органларининг тегишли масъул тузилмалари фаолиятини назорат қила олиши уйдлаш қийин вазифа эканлиги, унга кўра, прокурорлар ички ишлар органлари ҳудудий бошқармалари мансабдор шахслари билан ҳамкорликда бўлинмалар фаолиятини бевосита ўрганиб, назорат тадбирларини ўтказишлари лозимлиги⁸⁶ қайд этилган.

⁸⁴ Тузельбаев, Е. О. Прокурорский надзор, осуществляющий контроль за деятельностью местной полиции в сфере профилактики правонарушений среди несовершеннолетних и работой центров временной изоляции несовершеннолетних / Е. О. Тузельбаев, А. Б. Байбулатов // Наука. – 2019. – № 4(63). – С. 102-107. – EDN PGTXXG. <https://elibrary.ru/item.asp?id=44472475>

⁸⁵ Крутских, С. С. Прокурорский надзор за законностью деятельности подразделений по делам несовершеннолетних органов внутренних дел Российской Федерации / С. С. Крутских // Современные научные исследования и разработки. – 2017. – № 4(12). – С. 157-160. – EDN ZAEUIR. <https://elibrary.ru/item.asp?id=29711845>

⁸⁶ Беженцев А.А. Соблюдение законности в деятельности органов внутренних дел по профилактике правонарушений несовершеннолетних: перспективы совершенствования // Вестник Московского университета

Умуман олганда назорат турлари ва шакллари турлича бўлиши мумкин, лекин уларни ўтказиш мақсади битта бўлиши керак.

Бунинг учун вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги соҳасида ички ишлар органи ходимларининг ўзлари томонидан қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўймаслик, аниқланган камчиликларни тезкорлик билан бартараф этиш зарур бўлади.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича идоравий назорат ички ишлар органларининг юқори турувчи мансабдор шахслари томонидан олиб борилиши белгиланган бўлсада, ўз фаолиятига нисбатан масъулиятсиз ёндашган ёки қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўяётган ходимларга нисбатан турли таъсир чоралари қўлланилаётган бўлсада, прокурор назорати соҳада ҳолисликни, қонунийликни таъминловчи муҳим механизмлигича қолмоқда.

Шулардан келиб чиқиб, ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти устидан прокурор назоратини кучайтиришда юқорида қайд этилган йўналишларда ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

“Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасида⁸⁷ вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш мазкур ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг тўғридан-тўғри мажбурияти ва вазифаси сифатида назарда тутилган.

Бундан шундай ҳулоса қилиш мумкинки, ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолияти устидан прокурор назорати фақат ҳисобот учун ўтказилмаслиги лозим.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти устидан назоратни амалга оширар экан, прокурор текширувлари мазкур ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг барча хизматларини қамраб олиши керак.

Масалан, Пост-патрул хизмати ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажариш давомида кўчаларда, транспорт объектларида ва бошқа жамоат жойларида вояга

МВД России. 2018. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/soblyudenie-zakonnosti-v-deyatelnosti-organov-ynutrennih-del-po-profilaktike-pravonarusheniy-nesovershennoletnih-perspektivy>

⁸⁷ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 16.09.2016 йилдаги ЎРҚ-407-сон. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 438-модда; 03/22/797/0967-сон). <https://lex.uz/docs/3027843>

етмаганлар томонидан жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олади, шунингдек алкоголь, наркотик ёки бошқа психотроп модда таъсирида бўлган ёшлар ҳамда адашиб қолган вояга етмаганларни аниқлайди ва уларни ички ишлар органларининг навбатчилик қисмига олиб келади.

Д.И.Ережипалиев вояга етмаганни ходимлар томонидан ушлаш ва уни ички ишлар органига келтиришнинг қонунийлиги прокурорлар томонидан алоҳида ўрганилиши кераклигини таъкидлайди. Олим бундай масалаларни ўрганишда жиноят-процессуал ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс талабларига риоя қилинганлик ҳолатини таҳлил қилишни назарда тутган⁸⁸.

Бундан ташқари, С.С.Крутских вояга етмаганларни ички ишлар органларига келтиришнинг қонунийлигини ўрганишда фақат қонунда назарда тутилган вояга етмаганларнинг олиб келинганлик ҳолатини текширишни тавсия этган. Унга кўра, ҳуқуқий асослар бўлмай туриб, вояга етмаганни қонунга хилоф равишда ички ишлар органларга келтириш ҳолатлари учраб туради⁸⁹.

Бизнингча ҳам вояга етмаганларни турли сабабларга кўра, ички ишлар органларига олиб келиниши, сақланиши ва уларга қўлланилаётган чораларни қонунийлигини прокуратура органлари доимий ўрганиб бориши мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, Бош прокурорининг 139-сон буйруғининг 7.4 - бандида прокурорлар ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш бўйича бўлинмалари фаолияти устидан назоратни кучайтиришлари кераклиги белгиланган.

Прокуратура томонидан назорат функциясини бажаришди ички ишлар органларининг соҳага доир фаолиятни амалга оширувчи қуйидаги тузилмаларига асосий эътиборни қаратиши лозим:

- Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг Вояга етмаганлар масалалари бўйича бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими;
- Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти Вояга етмаганлар масалалари бўйича гуруҳи;

⁸⁸ Ережипалиев, Д. И. Надзор за исполнением органами внутренних дел законов о профилактике безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних / Д. И. Ережипалиев // Законность. – 2014. – № 5(955). – С. 54-57. – EDN SGFNVV. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=21670386>

⁸⁹ Крутских, С. С. Прокурорский надзор за законностью деятельности подразделений по делам несовершеннолетних органов внутренних дел Российской Федерации / С. С. Крутских // Современные научные исследования и разработки. – 2017. – № 4(12). – С. 157-160. – EDN ZAEUIR. <https://elibrary.ru/item.asp?id=29711845>

- Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари Вояга етмаганлар масалалари бўйича ҳудудий бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш бўлинмаси;

- Туман (шаҳар) ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимлари Вояга етмаганлар масалалари бўйича бўлинмалар (гуруҳлар) фаолиятини ташкил этиш бўлинмаси (гуруҳи);

- Ички ишлар органларининг Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ахмедов А.Х. - Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноят-чиликка қарши курашда давлат органларининг ҳамкорлиги, Тошкент, 2018

2. Исламов Ж. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш самарадорлигини ошириш. https://ombudsman.uz/uz/docs_voyaga-yetmaganlarning-huquq-va-erkinliklarini-taminlash-samaradorligini-oshirish

3. “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 2017 йил 11 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 139-сон буйруғи

4. Михайлова Т.Н., Михайлов Е.В. Прокурорский надзор за исполнением законодательства о профилактике безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних // Вестник Восточно-Сибирского института МВД России. 2021. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/prokurorskiy-nadzor-za-ispolnieniem-zakonodatelstva-o-profilaktike-beznadzornosti-i-pravonarusheniy-nesovershennoletnih>

5. Глазкова, Н. И. Прокурорский надзор за исполнением законов о профилактике безнадзорности, правонарушений и преступности несовершеннолетних / Н. И. Глазкова // Пенитенциарная система и общество: опыт взаимодействия : сборник материалов IV Международной научно-практической конференции, Пермь, 04–06 апреля 2017 года. – Пермь: Пермский институт Федеральной службы исполнения наказаний, 2017. – С. 355-358. – EDN KUOJEL. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=38171016>

6. “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 16.09.2016 йилдаги ЎРҚ-407-сон. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 438-модда; 28.10.2022 й., 03/22/797/0967-сон). <https://lex.uz/docs/3027843>

7. Абреимова, А. В. Организация и проведение прокурорских проверок за исполнением органами внутренних дел законодательства о профилактике безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних / А. В. Абреимова // Современные тенденции развития юриспруденции, экономики и управления : сборник материалов межрегиональной научной конференции, Елец, 18 апреля 2019 года. – Елец:

Елецкий государственный университет им. И.А. Бунина, 2019. – С. 171-174. – EDN NOIXKM. <https://elibrary.ru/item.asp?id=41291924>

8. Тхакумачев Б.Ю. Предмет прокурорского надзора за исполнением законов о несовершеннолетних органами внутренних дел // Вестник МПА ВПА (сборник научных трудов). Вып.3. Правовое и экономическое обеспечение цифровизации профессионального образования: проблемы и решения. Тула., МПА ВПА. -2023.- 255 с.<http://mpavpa.ru/files/IUSSE-3.pdf#page=92>

9. Тузельбаев, Е. О. Прокурорский надзор, осуществляющий контроль за деятельностью местной полиции в сфере профилактики правонарушений среди несовершеннолетних и работой центров временной изоляции несовершеннолетних / Е. О. Тузельбаев, А. Б. Байбулатов // Наука. – 2019. – № 4(63). – С. 102-107. – EDN PGTTXG. <https://elibrary.ru/item.asp?id=44472475>

10. Крутских, С. С. Прокурорский надзор за законностью деятельности подразделений по делам несовершеннолетних органов внутренних дел Российской Федерации / С. С. Крутских // Современные научные исследования и разработки. – 2017. – № 4(12). – С. 157-160. – EDN ZAEUIR. <https://elibrary.ru/item.asp?id=29711845>

11. Беженцев А.А. Соблюдение законности в деятельности органов внутренних дел по профилактике правонарушений несовершеннолетних: перспективы совершенствования // Вестник Московского университета МВД России. 2018. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/soblyudenie-zakonnosti-v-deyatelnosti-organov-vnutrennih-del-po-profilaktike-pravonarusheniy-nesovershennoletnih-perspektivy>